

ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ

Жорий шартнома лойиҳаси дастлабки ҳисобланади, амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ҳолда, томонлар келишувига асосан унинг шартлари ўзгариши мумкин.

Шартнома № 42.

Андижон ш.

« 28 » 06. 2022 й.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали номидан раҳбари Б.М.Абдурахмонов низом асосида иш юритувчи, кейинги ўринларда Буюртмачи деб номланувчи, ва «Милано бизнес сервис» МЧЖ номидан О.Матҳолиқов, низом асосида иш юритувчи, кейинги ўринларда Бажарувчи деб номланувчи, иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалидаги **лифтни қайта ўрнатиш лойиҳасида кўзда тутилган қўрилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади**, Буюртмачи эса Бажарувчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. **Лифтни қайта ўрнатиш** номли хизмат тури, кейинги ўринларда Хизмат деб номланувчи, Илова №1 асосида, мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

II. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ШАРТЛАРИ

- 2.1. Кўрсатиладиган хизматлар муддати шартнома кучга кирган санадан бошлаб 60 кун.
- 2.2. Хизмат кўрсатиш юзасидан - муддатидан олдин ишни бажариб беришга рухсат берилади.
- 2.3. Хизмат кўрсатиш яқунланган сана деб, бажарилган ишлар далолатномасига имзо қўйилган сана ҳисобланади.

III. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ СУММАСИ

- 3.1 Шартноманинг умумий суммаси 29 900 000 (Йигирма тўққиз миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил қилади.

IV. ТЎЛОВЛАР

- 4.1 Кўрсатиладиган хизматлар учун 30% олдиндан тўлов шартнома кучга кириб тегишли Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан кейин 15 банк иш куни ичида амалга оширилади.
- 4.2 Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар Буюртмачининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали сўмда амалга оширилади;
- 4.3 Буюртмачи томонидан ҳисоб-китоблар шартномага асосан ҳақиқатда бажарилган ишлар далолатномасига асосан бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш актини томонлар икки томонлама тасдиқлагандан сўнг 10 банк иш кунида амалга оширилади.

V. ХИЗМАТ СИФАТИ

- 5.1. Мазкур шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифати, тегишли меъёрий ҳужжатларга тўғри келиши керак.

VI. ИШНИ ТОПШИРИШ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Хизматлар Бажарувчи томонидан топширилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ҳисобланади: Мазкур шартноманинг Илова №1 га асосан тўлиқ ишлар топширилиб, бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг.

VII. ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ

- 7.1. Буюртмачи пулни ўз вақтида тўламаса, Бажарувчига хар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган сумманинг 0,4% микдорида, лекин шартнома суммасининг 50% дан ортик бўлмаган суммада пеня тўлайди;
- 7.2. Бажарувчи хизматни ўз вақтида бажариб бермаса, хар бир кечиктирилган кун учун Буюртмачига бажариб берилмаган хизмат нархининг 0,5% микдорида, лекин шартнома суммасининг 50% дан ортик бўлмаган суммада пеня тўлайди;
- 7.3. Пеня тўлаш ва зарарни қоплаш шартнома томонларининг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди

VIII. ФОРС-МАЖОР

- 8.1. Шартнома томонлари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини қисман ёки бутунлай бажаришдан енгиб бўлмайдигак куч, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) вужудга келганда озод этиладилар;
- 8.2. Бундай вазиятлар вужудга келганда томонлар 3 кун ичида бир-бирини огохлантириши, шартнома муддатини узайтириш бўйича чоралар кўриши керак.


IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 9.1. Мазкур шартнома тўғрисида келишиб чиқиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судида кўриб чиқилади, иккала томон учун унинг ҳукми ҳал қилувчи ва мажбурий ҳисобланади.

X. ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

- 10.1. Томонларнинг ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсга бериш ҳуқуқига эга эмас;
- 10.2. Мазкур шартномага барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда ва иккала томоннинг масъул шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади;
- 10.3. Шартнома уни икки томонлама имзоланган кундан бошлаб ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинганидан сўнг кучга кириб 31 декабрь 2022 йилга қадар амалда бўлади;
- 10.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита нусхада тузилган;
- 10.5. Шартноманинг Илова №1 қисми унинг ажралмас қисми ҳисобланади;
- 10.6. Ушбу шартнома доирасида бошқарилмайдиган саволлар, амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида амалга оширилади.

«БУЮРТМАЧИ»	«БАЖАРУВЧИ»
<p>РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ</p> <div data-bbox="135 1534 662 1758" style="border: 1px solid black; padding: 5px;"> <p>REPUBLIKA IXTISOSLASHTIRILGAN KARDIOLOGIYA ILMIY-AMALIY TIBBIYOT MARKAZI ANDIJON FILIALI ANDIJON SHAHAR, QIZIL SHARQ 3-A--UY, TEL: (74) 235-12-21 H/R: 100021860034017073201054020. STIR: 206946244 XXTUT: 91513 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI H/R: 23402000300100001010 MARKAZIY BANK TOSHKENT SHAHAR BVXKKM MFO: 00014 STIR: 201122919</p> </div> <p>Раҳбар:  Б.М. Абдурахмонов</p> 	<p>“МИЛАНО БИЗНЕС СЕРВИС” МЧЖ</p> <p>Манзили: АНДИЖОН в, АНДИЖОН шаҳри, СТИР: 301149152 Х/Р: 20208000104770882001 Bank: АТБ "ИПСОТ БАНК" Истиклол филиали MFO: 00018</p> <p>Раҳбар:  О.Матхолиқов</p>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида яшаш аҳолиси ва фуқароларига қаратаётган қарорига асосан:  **М. Мамасолиев**

Илова №1

«28» 06 2022 йил № 42 сонли шартномага

“Бажариладиган ишлар тури”

№	Хизмат тури	миқдори	Сумма
1	Лифтни қайта ўрнатиш хизмати	1	29900000

Шартноманинг умумий суммаси рақам ва харфлар билан 29 900 000 (Йигирма тўққиз миллион тўққиз юз минг) сўм

Буюртмачи томонида



Бажарувчи томонида

